# “Ўзбекистон ёшлар форуми – 2021” ойлиги доирасидаги тадбирлар

Шу кунларда “Ўзбекистон ёшлар форуми – 2021” ойлиги доирасида Ўзбекистон тумани ёшлари иштирокида турли тадбирлар, акциялар ва спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.

Хусусан, ана шундай тадбирлардан бири тумандаги 22-мактабда ташкил этилиб, унга ҳарбий қисм аскар ва зобитлари ташриф буюришди.





Ўқувчи ёшларга ватанпарварлик, миллий армиямиз, унинг куч-қудрати ҳамда ватанни ҳимоя қилиш энг шарафли бурч экани ҳақида тушунчалар берилиши билан биргаликда, ҳарбийларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди.



Ойлик доирасида тадбирлар тумандаги барча таълим масканлари ва ҳудудлар бўйлаб давом этмоқда.

**Ўзбекистон тумани ҳокимлиги**

2021-12-16 15:59:49